Ilmiy tadqiqotlar va ularning yechimlari jurnali
Aoka guvohnoma № 323759 ISSN: 3060-4818

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Холбоев Абдулазиз
Тошкент Кимё халқаро университети магистранти.
е-почта: xolboyevabdulaziz993@gmail.com
https://doi.org/10.5281/zenodo.21771253

Аннотатсия: Мазкур мақолада кичик бизнес субъектларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти, уларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини ошириш ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришдаги роли таҳлил қилинган. Шунингдек Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф етиш йўллари ёритилган.Тадқиқот натижалари кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида барқарор омил еканлигини кўрсатади.
Калит сўзлар: кичик бизнес, тадбиркорлик, иқтисодий ўсиш, бандлик, рақобат, инвеститсия, инноватсия.

Аннотация: В данной статье исследуются роль и значение субъектов малого бизнеса в экономике страны, их влияние на обеспечение экономического роста, создание новых рабочих мест, повышение занятости населения и развитие конкурентной среды. Также рассмотрены проводимые в Республике Узбекистан реформы по развитию малого бизнеса, существующие проблемы, что поддержка малого бизнеса является одним из ключевых факторов устойчивого экономического развития.
Ключевые слова: малый бизнес, предпринимательство, экономический рост, занятость, конкуренция, инвестиции, инновации.

Abstract: This article examines the role and importance of small bisuness entities in the national economy, focusing on their contribution to economic growth, job creation, employment, and the development of a competitive business environment. It also analyzes the reforms implemented in Uzbekistan to support small businesses, the existing challenges, and possible solutions. The findings indicate that supporting small businesses is one of the key factors for achieving sustainable economic development.
Keywords: small business, entrepreneurship, economic growth, employment, competition, investment, innovation.

Кириш: Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан бир ҳисобланади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишда муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳам шу соҳани қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес субъектлари муҳим рол ўйнайди. Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлик даражасини ошириш, бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдириб рақобатни кучайтириш, экспорт ҳажмини ошириш, инноватцияларни кенг кўламда жорий қилиш, давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтириш, охир оқибатда ялпи ички маҳсулотни кичик бизнес субъектларининг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айниқса,

уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат молиявий ресурслари ҳисобидан имтиёзли кредитлаш механизми йўлга қўйилган. Хусусан, мамлакатимизда «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури қабул қилинган бўлиб, уни амалга ошириш учун 2023 — 2026 йилларда давлат маблағлари ҳисобидан 6 триллион сўм ва халқаро молия институтларининг 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари йўналтириш белгиланган[1].Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини кредитлаш механизмини такомиллаштириб келинишига қарамасдан, унда бир қатор муммолар мавжуд. Жумладан, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратишга мўлжалланган молиявий ресурслар ҳажми чегараланган, ушбу ресурслар барча талабларни қондира олмайди. Тижорат банкларининг кредитларни фоиз ставкалари юқори, муддатлари эса қисқа бўлиб, улар билан инвестицияларни молиялаштириб бўлмайди. Кичик бизнес субъектлари банк кредитлардан фойдаланиш учун таъминот муаммосига дуч келишмоқда, шунингдек, бизнес-режалар тузиш ва кредитлардан самарали фойдаланиш бўйича молиявий саводхонлиги етишмайди. Мазкур мақолада муаммолардан самарали халос бўлиш ҳақида фикрлар келтирилган.

Асосий қисм: Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес субъектлари муҳим рол ўйнайди. Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлик даражасини ошириш, бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдириб рақобатни кучайтириш, экспорт ҳажмини ошириш, инновацияларни кенг кўламда жорий қилиш, давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтириш, охир оқибатда ялпи ички маҳсулотни кичик бизнес субъектларининг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айниқса, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат молиявий ресурслари ҳисобидан имтиёзли кредитлаш механизми йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида фаолият юритади. Уларнинг улуши, айниқса, савдо, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳаларида юқори ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши барқарор равишда 50% дан юқори даражада сақланиб қолмоқда. Бу эса, уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги роли аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

1-жадвал

Кичик бизнесни ялпи ички маҳсулотдаги улуши, %да

Йил	ЯИМдаги улуши(%)
2019 йил якуни бўйича	38.7% ни ташкил этган
2020 йил якуни бўйича	39.5% ни ташкил этган
2021 йил якуни бўйича	41.2% ни ташкил этган
2022 йил якуни бўйича	43.1% ни ташкил этган
2023йил якуни бўйича	45.0% ни ташкил этган
2024 йил якуни бўйича	54.3% ни ташкил этган
2025 йил якуни бўйича	52,2 %ни ташкил этган

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари. https://stat.uz/img/news/kb_uz_p60509.pdf?utm_source=chatgpt.com

Кичик тадбиркорлик субъектларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни юқорилигича қолмоқда. Агар 2019 йилда мамлакатимиз ЯИМ кичик бизнес субъектларининг улуши 38,7% бўлса, 2025 йилга келиб ушбу кўрсаткич 52,2 %ни ташкил қилган. Мазкур ҳолат республикамиз иқтисодиётида кичик бизнес субъектларининг роли йилдан йилга ошаётганини кўрсатади.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-306-сон Қарори, 2023 йил 14 сентябрь. https://www.lex.uz/uz/docs/6609110?ONDATE=17.04.2025&action=compare

Республикамиз иқтисодиётида тармоқларида кичик бизнес субъектларининг улушини таҳлили кўрсатадики, ушбу кўрсаткич қишлоқ хўжалигида 96,7%, қурилишда 78,0%, хизматлар соҳасида 48,3% ва саноатда 25,1 % ташкил қилади. Демак, кичик бизнес субъектларини кредитлаш механизмини такомиллаштиришда иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасининг хусусиятини ҳисобга олиш лозим.

2-жадвал

Кичик бизнес субектлврининг сонини ўсиши йиллар кесимида

Йил:	Кичик бизнес субъектлар сони:
2019 йил якунларига кўра	Тахминан 349 мингта
2020 йил якунларига кўра	417 313 та
2021 йил якунларига кўра	497 717 та
2022 йил якунларига кўра	543 960 та
2023 йил якунларига кўра	606 723та
2024 якунларига кўра	647 297та

Тадқиқотлар натижасида кўриниб турибтики 2019 – 2024 йилларда кичик бизнес субъектлари сони деярли 300 000 мингга яқин ошган.[2] Ушбу динамика ҳам мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизне субъектлари роли ошаётганини кўрсатади.

Кичик бизнес субъектларининг мамлакат бандлигидаги ўрнини таҳлил қилсак, улар мамлакат бандлигининг асосий қисмини таъминлайди. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги аҳоли бандлигининг тахминан 70–75% кичик бизнес субъектларига тўғри келади. Бундан кўриниб турибдики, кичик бизнес субъектларининг ривожланиши иш ўринларининг кўпайишига олиб келади. Қуйидаги расмий статистик маълумотларда кичик бизнес субъетларининг бандликдаги улуши йиллар кесимида келтирилган.

3-жадвал

Кичик бизнес субьектларининг бандлик улуши, фоизда

Йил	Бандлик улуши (%)да
2019 йил якуни бўйича	76% - ни ташкил етган
2020 йил якуни бўйича	74-75% - ни ташкил етган
2021 йил якуни бўйича	74% - ни ташкил етган
2022 йил якуни бўйича	74-75% - ни ташкил етган
2023 йил якуни бўйича	75-76% - ни ташкил етган
2024 йил якуни бўйича	76% - ни ташкил етган

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари. https://stat.uz/

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўтган 2019-2024 йиллар мобайнида Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг бандликдаги улуши 74-76% атрофида бўлиб, мамлакатда янги иш ўринларини яратишда энг муҳим сектор ҳисобланади. Таҳлил қилинган даврда кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан йилга ошган ҳолда уларнинг бандликдаги улуши деярли бир хил турибди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, кичик бизнеснинг бандликни таъминлашдаги роли секинлашган.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларининг умумий экспортдаги улуши сўнги йилларда аста-секин ўсиб борган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотларига кўра, кичик бизнеснинг мамлакатимиз экспортидаги улуши 2019 йилда 28 % атрофида бўлса, ушбу кўрсаткич 2024 йилда 33% фоизни ташкил қилган.

[2]Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Ёки бўлмаса, мамлакатимиз экспортининг 1/3 қисми кичик бизнес субъектларига тўғри келади. Бу иқтисодиётимизга ялпи ички маҳсулотни ўсиши ва бандликни таъминлаш билан бирга валюта тушумларини ошириш деганидир.

4-жадвал

Ўзбекистон экспортида кичик бизнес субьектларининг улуши, фоизда

Йил	Экспортдаги улуши (%)
2019 якунлари бўйича	28 % атрофида
2020 якунлари бўйича	29 % атрофида
2021 якунлари бўйича	30 % атрофида
2022 якунлари бўйича	31 % атрофида
2023 якунлари бўйича	32 % атрофида
2024 якунлари бўйича	33 % атрофида

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари. https://stat.uz/

Кичик бизнес субъектларининг инвестициядаги ролига келадиган бўлсак, асосий капиталга инвестициянинг катта қисми ҳам кичик бизнес томонидан амалга оширилмоқда. Бу ҳолат уларнинг иқтисодий ўсишда фаол иштирок этаётганини билдиради. Буни қуйидаги рақамлар орқали ҳам кўришимиз мумкин.

5-жадвал

Кичик бизнес субьектларининг инвестициядаги улуши, фоизда

Йил	Инвестициядаги улуши (%)
2019 йил якуни бўйича	45 % ни ташкил етади
2020 йил якуни бўйича	48 % ни ташкил етади
2021 йил якуни бўйича	52 % ни ташкил етади
2022 йил якуни бўйича	55 % ни ташкил етади
2023 йил якуни бўйича	58 % ни ташкил етади
2024 йил якуни бўйича	60 % ни ташкил етади

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари. https://stat.uz/

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда кичик бизнес субъектларининг инвестициялардаги улуши 2019 йилда 45% бўлса, 2024 йилга келиб ушбу кўрсаткич 60% ташкил қилган. Мазкур ҳолат иқтисодиётимизда қўйиладиган инвестицияларнинг асосий қисмини кичик бизнес субъектлари қўяётганини кўрсатади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, кичик бизнес субъектлари Ўзбекистон иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эга, улар ЯИМ, бандлик, экспорт ва инвестицияларнинг асосий қисмини шакллантиради. Сўнги йилларда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши барқарор равишда 50% дан юқори даражада сақланиб қолмоқда. Бу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч кичик бизнес субъектлари эканини кўрсатади. Келгусида ушбу секторни янада ривожлантириш иқтисодий барқарорлик ва рақобатбардошликни янада оширади.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини янада ривожлантириш учун уларни молиялаштириш имкониятини яхшилаш лозим. Мамлакатимизда улар учун банк кредитлари асосий молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Ушбу кредитлар орқали кичик тадбиркорлик субъектлари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва янги технологияларни жорий этиш

билан ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириш имкониятига эга бўладилар. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда давлат дастурлари орқали кичик бизнес субъектларини имтиёзли кредитлаш дастурлари йўлга қўйилган. Унга кўра кредитлаш жараёнлари осонлаштирилган ва гаров талаблари соддалаштирилган, кейинги йилларда тижорат банклари кредитлашни рақамлаштиришга алоҳида эътибор бермоқда.

2025 йилда Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли тадбиркорлик фаолияти учун берилаётган кредитлар ҳажми 131,2 трлн. сўмга етди, бу ўтган 2024 йилги кўрсаткичдан 42% кўпдир[3]. Ушбу ўсиш мамлакатимизда тадбиркорларни молиялаштиришга алоҳида эътибор берилаётгани ва уларнинг фаолияти кенгаётганини кўрсатади.

Кредитларнинг сезиларли қисми — 43 трлн. сўм савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига берилган бўлиб, бу товарлар ва хизматларга ички талабнинг ошаётганлиги ва чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият ривожланаётганини кўрсатади.

Аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 21,8 трлн. сўм ажратилган, бу аҳолини кичик бизнесни очиши ва ўзини ўзи банд қилиш учун тадбиркорлик билан шуғулланиши ўсаётганини тасдиқлайди.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларни иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича олсак, қишлоқ хўжалигига 17,9 трлн. сўм, саноатга 17,7 трлн. сўм, қурилишга 15,2 трлн. сўм берилган. Шунингдек, транспорт ва алоқа соҳасига берилган кредитлар 12,5 трлн. сўмни ташкил қилиб, логистика ва инфратузилма фаолиятига ҳам аҳамият берилаётганини кўрсатади.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларига ажратилаётган кредитлар уларнинг иқтисодий фаолиятини молиявий қўллаб-қувватланаётгани, бу эса иқтисодий ўсишга ва аҳоли бандлигини таъминлашга, энг муҳими, иқтисодиётда ички талабни ошишига кўмаклашмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларини қўллаб қувватлаш буйича қатор чора тадбирлар ва саи-ҳаракатлар шунингдек бирқанча ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилишига қарамай кредит олишдаги гаров таъминоти фоиз ставкалари кредит муддатлари ва банк мижоз муносабатларидаги бюрократик тўсиқлар сақланиб қолмоқда. Шу боис кичик бизнес субъектларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш масалалари долзарблигича сақланиб қолмоқда.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес субъектлари мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожанишида мухим ўрин тутади. Айниқса кичик бизнес субъектларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш уларнинг молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди ҳамда янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва експорт салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнги йилларда кичик бизнес субъектларини қўллаб – қувватлаш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида уларнинг сони ва иқтисодётдаги улуши ортиб бормоқда. Шу билан бирга, кредитлаш жараёнларини соддалаштириш, молиявий хизматлар кўламини кенгайтириш ҳамда кредит таваккалчилигини самарали бошқариш кичик бизнес субъектларининг барқарор фаолият юритишида муҳим аҳамият касб етади.

Келгусида кичик бизнесни ривожлантириш учун кредитлаш тизимини янада оптималлаштириш, замонавий молиявий инструментларни жорий етиш ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай молиявий муҳитни яратиш зарур. Бу еса мамлакат иқтисодиётининг

[3]Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Статистик бюллетень 2025. https://cbu.uz/oz/statistics/buleten/?arFilter_DATE_ACTIVE_FROM_1=&arFilter_DATE_ACTIVE_FROM_2=&arFilter_ff%5BSECTION_ID%5D=3665&year=2026&month=01&set_filter=&set_filter=Y

барқарор ўсишини таъминлашда, аҳоли бандлигини оширишда ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон фармони. https://lex.uz/docs/6600413
2. Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, 2010. – 307 с.
3. Алимардонов И.М., Жалилов Б.А.Кичикбизнес субъектларини кредитлаш амалиёти.// “Замонавий тадқиқотлар ахборотномаси” журнали. 2024, 4-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020—2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон фармони. https://lex.uz/docs/481102
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сон қарори. https://lex.uz/ru/docs/66091106
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (stat.uz)

Фойдаланилганадабиётлар (APA)

1. Central Bank of Uzbekistan. (2025). *Commercial bank lending statistics*.
2. UzDaily. (2026). *SME lending in Uzbekistan increased by 42%.*
3. UzDaily. (2025). *Microfinance services in Uzbekistan*.
4. Khujamurotov, S. (2025). *Loan portfolio and risk analysis in Uzbekistan banks*.
5. Trend News Agency. (2026). *Sectoral structure of bank lending in Uzbekistan*.
6. Worldly Journals. (2025). *Credit policy and macroeconomic impact*.

American Journal of Business Management. (2025). *SME lending challenges in Uzbekistan*